

Ўғил фарзанд кўриш учун ҳисоблатиш жоизми?



06:10 / 30.09.2018 30507

Ассалому алайкум! Қиз ҳам ўғил ҳам фарзанд лекин авлод давомчиси деб ўғил фарзандни айтишади. Ҳозирги кунда экология ва турмуш шароит туфайли асосан қиз фарзандлар туғилаяпти. Медицинадан маълумки ўғил ёки қизли бўлиш эркак киши қобилиятига боғлиқ. Қизлари кўп бўлган оилалар ҳозирда ҳисоблатиб ўғил туғиш ҳаракатини қилишяпти. Бу амалиёт УЗИ орқали фолликулометрия усулида амалга оширилади. Шу шариатда жоизми деб сўрамоқчидим. Жавобингиз учун раҳмат.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Фолликулометрия усулида амалиёт олиб бориш болани ўғил ёки қиз жинсига ҳеч қандай таъсир ўткази олмайди. Агар ЭКО усулида уруғларни алоҳида олиб, уларни икс игрик храмасомаларни ажратиб, ўғилга тегишли храмасомаларни ажратиб, онанинг уруғи билан урчитиб яна қайтадан онанинг бачадонига солиш билан ўғил туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Хитой ва Туркия каби давлатларда бу нарса кенг ривожланган. Биз бу амалиётнинг шаръий ёки ношаръий жиҳатини айтаемиз. Валлоҳу аълам!

<http://fiqh.uz/maqola/539>